

Муваффақият йўлида азму қарорингизда қатъий туринг!



11:15 / 17.07.2018 6120

Кунларнинг бирида бир гала қурбақаларнинг тўдасидан иккитаси чуқурликка тушиб кетибди. Ночор аҳволга тушиб қолган бечоралар юқорига сакрайверибдилар. Барча қурбақалар чуқурлик тепасига чиқиб олиб: «Бўлди энди, шу ерда қолиб кетасизлар.. ҳадеб сакрайверидан фойда йўқ», деб уларни бу ўринишларидан қайтарар эдилар. Узоққа бормай, икки қурбақанинг бири қўрқув ва қаттиқ тушкунлик оқибатида нобуд бўлибди. Иккинчи қурбақа эса, тинмай сакрашда давом этибди. Ҳар сафар сакраганда, илгаригисидан баландроққа сакрар экан. Аммо, юқоридаги қурбақалар ҳамон: "Бўлди қил энди.! Фойдаси йўқ", деб уни бошини қотираётган эдилар. Кўп ўтмай, бояги қурбақа чуқурдан чиқишга муваффақ бўлибди. Бундан қаттиқ тажжубга тушган қурбақалар ҳайрат билан: "Буни қандай уддаладинг?!" деб сўрадилар. У эса жим

турарди. Кейин билсалар, унинг қулоқлари эшитмас экан. Ҳар сафар уни сакрашдан қайтарганларида, улар қўллаб-қувватламоқдалар деб ўйлаб, бор кучи билан ҳаракат қилиб, бу мушкул ишни уддасидан чиққан экан.

«Балки, энг зўри бўлишингизга инсонларнинг сиз ҳақингиздаги гаплари тўсқинлик қилаётгандир?»

Шаҳло Маъмурова